

НАВҚИРОН ДАВРА ШИЖОАТИ

Ҳар бир инсон, ҳар бир халқ ўз маънавий эҳтиёжларини, кечинмаларини, ғоя ва мақсадларини сўз орқали ифода этади. Зеро, сўз буюк қудратга эга. Ана шу қудратга ишонганлар адабиёт деб аталмиш катта майдонга чиқиб сўзлашга жазм этадилар. Айнан адабиёт сўз воситасида инсон маънавиятининг гўзал қирраларини намоён этади, уни янада юксакликка, камолатга ундайди. Инсоният тарихи ана шу фикрни мудом тасдиқлаб турибди.

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида шундай таъкидлайди: «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади». Шу маънода Юртбошимиз маънавий тарбия борасида адабиётнинг ролига юксак баҳо берадилар: «Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта».

Бу ижодкорларга берилган улкан таъриф ва катта эътибор. Зотан, инсон жисмини ҳаракатга келтирадиган руҳга сайқал бериш осон амал эмас. Алалхусус, сўз санъатининг миллат тараққиётидаги ўрни бекиёс.

Буюк Ҳазрати Алишер Навоий бобомизнинг асарлари асрлар давомида ҳануз дунё узра мағрур бўй кўрсатиб туриши, умуминсоний қадриятлар юксалишига муносиб хисса қўшиб келаётгани ҳам ана шундан далолат. Биз аллома аждоқларимиз қолдирган улкан маънавий мерос ворисларимиз. Бу мерос Мустақиллигимизгача егиб кела олди. Бугун навқирон давра — мамлакатимиз ёшлари аждоқлар анъаналарини давом эттириб келмоқда.

Мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларга эътибор бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Улар ўз билимларини, маънавий ва жисмоний иқтидорини нафақат республикамизда, шунингдек дунёнинг кўплаб

мамлакатларида ҳам намоён этиб келаётир. Ёшларга бўлган ишонч ва умид республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида, санъат ва спортда ҳам ўз тасдиғини кўрсатмоқда. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши бежиз эмас.

Айни пайтда ёшларимиз адабиёт соҳасида ҳам иштиёқ ва баланд руҳ билан ижод қилмоқда. Мазкур китобга ана шундай бир гуруҳ иқтидорли ёшларнинг ижод намуналари жамланди. Назм, наср, таржима ва адабий тадқиқот бўлимларида миллий ва жаҳон адабиёти услубларини уйғунлаштирган шеърлар, халқимизга хос бўлган қадриятлар акс этган насрий асарлар, жаҳон адабиёти дурдоналарига мансуб асарларнинг бевосита япон, инглиз, турк, хинд, рус тилларидан қилинган таржималари, чуқур таҳлилга бой адабий тадқиқот намуналари ўрин олган.

Ёш ижодкорлар ўз овози, теран фикрлари, мушоҳадалари орқали муҳтақил юртимиз ва халқимизнинг бетакрор қадриятларини келажакда жаҳон адабиёти сахнасида кўрсатишлари, шубҳасиз. «Ёшлар китоби»га жамланган асарлар ана шундай ишонч билдиришга имкон беради.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти.*



Искром Исқандар

* * *

Асов отда ўтиб борар
кузнинг бир парча куни,
хилпираган этаклари
бирров тегар юзимга,
қуруқшаган шохга мезон
илинади юкуниб,
хазонлар жон қадар иссиқ
кўринади кўзимга.

Бу тўрт кунлик дунёсида
сенсиз бир он яшашдан
тополмасдан ҳеч бир маъни
кўнглим ер ич-этини,

бешафқат вақт беозордай
кўринса-да ташидан,
очик тақвимнинг бетини
варақлайди бетиним.

Интиқ юрак хатто бир сўз
айтишга хайикади,
айрилиқнинг денгизида
суза олмасанг ёмон,
шамол сувни тўлқинлатар
ва хайдайди қайгадир,
мавжлантириб дилни соғинч
бошлаб кетар сен томон.

* * *

Игнадай ялтилар дарахт шохлари,
шамолда ип каби чувалашар нур,
кўл юзида гўё улкан кўзойнак,
муз остида сувдек тиниқдир шуур.

Тиниб-тинчимайди табиат момо
сандалга оқ кўрпа ташлаган қўйи,

бўй етган шўх-шаддод кизига атаб
сеп тикиб чиқади бутун киш бўйи.

Тўқсон кун кўз очиб-юмгунча ўтар,
ташвиш аригандек эриб битар қор,
бир тонг зеб бағишлаб сепга, қирларга
югуриб чиқади эрка қиз бахор.

* * *

Лаҳзалар асрдай колдиргай асар —
 васлингни юз йиллаб кутганим ҳаққи,
 кўрганда ҳам сенга бир сўз айтолмай
 хатто кўз ташлолмай ўтганим ҳаққи
 мен сенга мактублар ёза бошладим,
 ниҳоят, кўнглимда соғиниб тўзган

фикр сўз ҳажмида шаклга кирар,
 соғинч сўз шаклида кўринар кўзга.
 Истило этилди истиҳола ҳам,
 журъат остонада устин киймоқда,
 хисларнинг жиловин бўш қўйиб, мана,
 мен ўзни тийяпман ўзни тиймоқдан.

* * *

Бир сесканиб туйқусдан
 турар тун уйқусидан.
 (Зада юрак — якка барг
 зориқиш туйғусидан.)

Шамол эсар далада,
 том устида елади —
 кўнглимдаги қайғудан
 ҳуштак ясаб чалади.

Мунча чийиллар сози,
 боғда қилар навозиш,

тарона айтмоқ бўлар
 хазин келар овози.

Тирқишдан қўлин чўзар —
 раксга чорлайди шамни,
 кўнглимни олмоқ бўлиб
 такиллатар дарчамни...

Ул севгилим тушимга
 кирмади етти ухлаб,
 ай, шамол — кадрдоним,
 келдингми мени йўқлаб?

* * *

Неча он онгимни ёритди шуур,
 тутдай тўкилгудай титраб зулматим,
 бир киприк қокқунча ёниб битди нур,
 тушимми, ўнгимми, билмадим?
 Чақмоқ каби шитоб экан-ку, мана,
 «ярқ» этган тасаввур — бахт деган туйғу.
 Кўчада тентираб кезмоқда яна
 менинг сувратимга ўхшаган қайғу.

* * *

Май ойи. Кенг майдон. Ва икки жом май.
 Майин шаббодада тебранган майса
 узок сузиб кетар жойидан жилмай,
 юзида шабнамлар кулар жилмайса.

Майин шаббодада тебранган майса.
Тебранар майсадай бегубор майл:
«Сен менинг ёнимдан мангу кетмайсан,
мангу шул майсага ёйилган сайл!»

Узоқ сузиб кетар жойидан жилмай
кўзларинг — маёқдай порлаб, жилмайса,
тегрангга тароват таратар билмай,
табиат сендан ранг олур, билмайсан.

Юзида шабнамлар кулар жилмайса,
майда қадам ташлаб этгандай ройиш,
намойиш айлагай майдонда майса
бу фоний дунёнинг оний чиройин.

Майли, йўлимизда пайт пойлар пайсал,
аммо хотирада қолгайдир ўчмай
майин шаббодада тебранган майса...
Май оий. Кенг майдон. Ва икки жом май.

* * *

Сени эслаганда, бир келмайсанми,
кўкламги тўликқан булутлар мисол
ювиб юракдаги соғинч ва зангни
оламни тўлдириб ёғмасми висол?

Кўклам чечаклари таратарми бўй,
бир ёруғ кунларга бўлгайми изн?
Сен-да, бу тўлиқиш, ғам-аламни қўй,
не учун, ахир, бу маҳзуна исм?

Қақраган тупрокқа нам ранг берар сув,
чанқаган дудокқа бўсадир даво.
Келсанг, гирдо-гирдга ёғармиди нур,
зора юмшармиди қаҳратон ҳаво!

Ҳижрон чўзилганда узун қиш мисол,
ногоҳ, мен томонга бурдингми изни —
оламни тўлдириб ёғарми висол,
бахор ёмғирлари, бу келган сизми?

БИР ОҶАНГДА

1

Тонг саҳарда юзинг ювган
кўзларимдай бедор сувга
юрагимни чайиб олдим,
жоним, бир мунғайиб олдим.
Тўлқинлар лол, дали-ғули...
Қизғалдоғу олма гули.

2

Сўлиётган тунги гуллар чегарасида
янги, сўлим тонглар бошлаб келар расида,
тўзғир умр — фаройиб тарз ва гўзал таркиб,
тўкилади туйқусдан бу гулнинг бир барги,
фақат кўнгил осмон қадар юксалар, ўсар —
тут шохига қушдай ҳуркак қўнар илк бўса.

3

Кўзларинг ёмғирдан ҳўлмишми?
Гулларинг очилиб сўлмишми?
Баногоҳ лол этиб ул ёрни
намоиш этгали баҳорни
жисмингни қорларга кўмасан —
бир оппоқ меҳрга чўмасан.

4

Саросару сарсону саргардонлик даштида
саросима жаёллар-еллар чувалашдилар.
Кийиб улкан чориқдай, тинмадим бир-бир босиб —
оёғимдан ечилди ситамларнинг саҳроси.
Дашту саҳроларни мен кездим пою пиёда,
ҳамроҳ тополмадим лек умидимдан зиёда.

Қоронғуда бир шам ёнар ўксиниб,
ханжар тиғи тилар туннинг кўксини.
«Улкан тунга бул жимитдай тиғ надир» —
жонсарақдир қуён каби бир ҳадик,
жонсарақдир. Увиллайди, пишқиарар
ташқарида туннинг қора қашқири.

Эй севиклим, севгилари оби ҳаётим,
жоним аро шан таралган қоним-баётим,
додларимга манзил бўлган, додимга етган,
баргларининг бандларига бандилар этган,
жазирама, қаҳҳор чўлда ётганда карахт
юрагимга қизил соя ташлаган дарахт.

Термуламан — нигоҳларим семирар.
Тоғдай улкан нигоҳларни емирар
ул парининг гўзал ҳусну жамоли
уфургувчи такаббур бир шамоли,
бу шамолга писандмасдир ҳеч бири,
йўловчилар ташлаб ўтган кўз қири.

Безовта кўзларингда нам, хавотирдалар недин?
Қўлларинг қўлларимда типирчилайдилар бетин.
Бул сўнгсиз сукутларинг қайси бир қайғудан нишон,
билмасман, не ҳадиклар бугун бунчалар паришон
ўйларинг самосида қузғунлар каби айланди?
Кафтларинг кафтарлардай учиб кетмоққа шайланди.

Мухаммад Сиддик



* * *

Қўнглим сезар, ҳозир ёрим ўсма юлар,
Йўлларимга қарар сўнгра мушток бўлиб.
Борсам, менга гапирмайди, араз қилар,
Йиғлаб берар сўнг юраги тўлиб-тўлиб.

Баҳор ёққан ёмғирдайин кўз ёшлари,
Овунади десам ўзинг кераккинам.
Ана, ҳозир у ўмасин сиқаяпти,
Сиқияпти чунки менинг юраккинам.

* * *

Ажаб эрур фалак ишлари,
Ўйлаб ўйинг етмас барига.
Жойлаб қўйиб асални гулга,
Излаб топ, деб айтар арига.

Ўйин эрур бор фалак иши,
Фалак ўйин қилмоқни суяр.
Ердан қўкка кўтариб сувни,
Яна уни бошингдан қуяр.

* * *

Шафтолилар пишди боғимда,
Отам териб менга илинди.
Мен шаҳардан кўнгил узмадим,
Қишлоқда кўп ўрним билинди.

Қаҳратон киш келди боғимга,
Отам менга илинди ўзин.
Қор ёққан тун уйқуга кетди,
Аммо тонгда очмади кўзин.

Куз либосин кийди боғларим,
Отам менга илинди узум.
Қайтмоқ бўлиб чоғландим қанча,
Ҳеч қайтгали қиймади кўзим.

Ота, дедим ҳайкириб нолон,
Лек очмади отам кўзини.
Алмаштириб қўйдим шаҳарга
Ҳатто унинг сўнги сўзини.

* * *

Онасига қайтган гўдакдек
Дарахтларга ошиқди кушлар.
Эшиклар кулф — кира олмайин,
Туйнукларни излади тушлар.

Чигирткалар куйин чалдилар,
Қурбакалар бошлади базм.
Тоғлар ютиб кўйиб куёшни,
Қилолмади тонггача ҳазм.

* * *

Деразадан боққан ҳамхонам
Яна ёмғир, дея ух тортди.
Йиғлаётган ахир осмон-ку,
Дўстим, нега ғамларинг ортди.

Азалдан шу тақдирнинг иши,
Кимга аза, кимга келар тўй.
Булут тўлиб йиғлаган қуни
Майса яйраб кўкка чўзар бўй.

Қароғингга келгунича ёш,
Не ситамлар ўртайди жонни.
Шунча дардни кўтара олган
Бардошига қойил осмоннинг.

Малол олма йиғласа осмон,
Қиз боладай йиғлар мулойим.
Дийдаси тош қотса осмоннинг
Бил, ўшал кун қиёмат қойим.

* * *

Гулламади оғзидан анжир,
Ишқин дилда айлади пинҳон.
Сўнг ишқсиз деб чорбоғда уни,
Маломатлар қилишди чунон.

Ўрин кутиб йўлга нигорон,
Кундан кунга сарғайди юзи.
Гоҳо пинҳон йиғлаганида
Болдан кўз ёш тўкарди кўзи.

* * *

Онам деди: қулоғини тишлаб қўйгин,
Келин бўлса зора бизга шул қизгина.
Мен уялдим, тишлолмадим қулоғингни,
Қулоғингни тишлолмадим, эссизгина.

Совчи келди сенга неча бой йигитдан,
Юрак ютиб боролмадик бир бизгина.
Олиб кетди сийму зарга сени қўмиб,
Ёр-ёр айтиб олиб кетди, эссизгина.

Йиллар ўтди елдек бир-бирларин қувиб,
Сен порладинг кўкда ёрқин юлдузгина.
Сенга ишқим айтай дедим, кўп чоғландим,
Лек ишқимни айтолмадим, эссизгина.

Онажоним, бошим олиб қаён кетай?
Охларимни тинглагувчи бир сизгина.
Олиб кетди юрагимни ул қиз, нетай,
Борлигимни олиб кетди, эссизгина.

* * *

Юрак — кўксимга экилган
олма уруғи,
Минг йиллик дарахтдек
илдизлар отган,
Шўрлик униб чиқолмайди
кўксимни ёриб.

Мусалламбону



СИЛСИЛА

Нигоҳимда ям-яшил дунё
Кўринмайди еру осмони
Оппок гуллар кийғос очилган

Оқара бошлайди қорачиқларим
Парқудай ёйилар таниш товушлар
Тўкилиб кетади эски Хотира

* * *

Сен ва Мен
Суқунатни севаепмиз
жим...
Бармоқлар шивирин
тинглаймиз яна
Ва менга тутасан
Шафакранг Кўзгу

Ишққа айланади
дунёлар бари
Бахтнинг сувратини
чиза бошлайман
Узоқлаша бошлар
Таниш товушлар
Қаттиқроқ қучаман
Қорачиқларим

* * *

Рангларга қўчади
Дардларим
Фируза, гулоби, оқ, сарик
Тўлган ой тўлғоғи сингари
Охимда тўлғонар
Телба Ишқ
Рангларга қўмилиб

Кетаман
Ишқ мендан тонмайди,
Тонмайди
Бинафша атрига
Маст Юрак
Ранглардай тўкилиб
Кетаман!

* * *

Кулгуга бегона
ганимлар
уринар устимдан
кулмоққа
Жаранглаб кетади
Овозим

* * *

Рангин дунё
ранго-ранг дунё
Ичганга ўхшайсан
Менинг рухимни
ёки адашдимми?
Ранги-рўйингни
ўғирладиммикан
аслида ўзим.

* * *

Мен дунёга келмадим ҳали,
Тушларимда ҳаётлигим рост.
Кипригимда кўтариб ойна
Яшаяпман дарахтларга хос.

* * *

Совук хона...
Жунжикади ҳатто Қор одам
Деворлари етмиш қават муз
Тишида бардошни
тишлаб яшайди
Юрак шаклидаги
Икки Тош ҳиссиз.

* * *

Сенсиз адашиб кетдим
руҳлари синик
Умид дунёсидан
кувилган
Ўзига-да бегона
номаълум кўзларга.

Мен дунёга келмадим ҳали,
Сўз денгизин ҳомиласиман.
Тўлғоғимдан уйғонар замин,
Мен Озодлик ҳосиласиман.

ТИНГЛАЁТГАН ОДАМ

Само ва Ер оралиғида
Кетиб борар бир далли дарвеш.
Тор дунёни парча — парчалаб,
У Кенгликни тинглаётган Қуш.

Сукут ичра хайқириклари,
Ошиқлигин этар яланғоч.
Шашти тўлқин, шашти денгиздай
Озод рухнинг товушидир — бу.

* * *

Ё тангрим, лабимдан
бир сўз учинди,
Осмонни уйғотган
чақмоқ чақиндай.

Сўз ила дилларни
уйғотиб кетгум,
Аёзда очилган
Бойчечак гулдай.

* * *

Шундай бир гул бўлсам
Дилхушликка яралмаган
Ифорларим абадий бўлса

Шундай куш бўлсам-у
Бу дунё-ю у дунё
Қафас нелигини билмай ўтсам

Шундай бир ҳодиса бўлсам тасодиф
Шеърлар ёзса мен ҳақимда
Ой-ю Юлдузлар-р-р-р

* * *

Адир ортидаги ёлғиз оёқ йўл...
Абдулла Орипов

Хув- в, анаву, ёлғиз оёқ йўл,
Юрагимга беркинар секин.
Хотиралар тўлғоғи мени –
Ўзингизга элтади бир кун...

ТЕНГСИЗ МЎЙҚАЛАМ

Икки минг бешинчи йилнинг мартада
Баҳорни тан олмай ёққан оппоқ қор.
Мисли биллур каби товланди ялт-ялт,
Ўрик гулларини аччиқ чимчилаб.

Оҳиста эгилган дарахт шохлари,
Ҳеч қараб тўймайсан, мафтункор беҳад.
Ўжар фаслларнинг қоришиқлари,
Илҳом дийдорига қилади илҳақ.

Гўзал шеър ёзмокка урасан ўзни,
Ховуринг босилмас юзта ёзсанг кам.
Оламни кашф этдим камалак рангда:
Табиат мўъжиза, тенгсиз мўйқалам!



Салтанат Шогиева

СЕВСАНГ...

Севсанг мени келарсан албат
Хазон тўла боғимга маҳзун.
Кўзларимга ёққанда ёмғир —
Бармоқларим қиларди ҳузур...
Севсанг!

Севсанг...
Ўша исмсиз тонглар —
Тунлар бағрин тилмайман йиғлаб...

Кўксим узра отилган вулқон
Куйдирмагай дилни жазиллаб!
Севсанг!

Севсанг бўлди!
Оҳим оғриқли.
Бирок руҳим пардаин енгил.
Хазонлардай боғимга маҳзун —
Келганинда, севаман дегил!
Севсанг!

МЕНИ КЕЧИР...

Бир йиғласам, сурмалардан холи кўзларим
Вужудим — қалбимни забт этса —
Соғинч.
Тошдан оғир бардошлар ҳаққи
Ишқим сени этсалар нотинч
Мени кечир...

Бўзтўрғай деб бўзлаган қўшиқ
Тилкаласа бепичоқ таним.
Йиллар сабаб ўртада бўшлик...

Қачонлардир сени севганим,
Мени кечир!
Энди унут...
Бекатлар,
Излар...
Масофалар...
Хўрсиник,
Оғрик...
Ҳижрон ёшин ичирган тунлар
Кечир мени, сен билан боғлиқ.
Мени кечир...

* * *

Оқ ёмғирдек тўкилиб кетдим.
Мунаввар кунларнинг пойига.
Сиз берган кўнгилни жўйладим —
Вужуднинг энг тоза жойига.

* * *

Кўнглим менинг — оллоҳим!
Пастқам томли — паноҳим.
Сизга бориб тўхтайти —
Ёшлар тўла нигоҳим!

* * *

Ўртамизда олис йўллар...
Етолмаймиз сира-сира.
Нега кўнгил бердик, жоним,
Шу азобни била тура.

* * *

Нур тўкилиб турса — бардошимиздан,
Меҳр гули ёғса гар бошимиздан.
Севгисиз дунёни тан олмаса дил —
Вафо иси келса — кўз ёшимиздан!

ЁМҒИР ЁҒИБ ТУРСА

Ёмғир ёғиб турса,
Хазонлар учса,
Сочларимни соғинч тараса, ўрса...
Ҳижронда куйганим кўриб —
Севги хатосини тушунса.

Яна дардчил бўлса теварак-атроф,
Йўлларда бизлардан бўлак бўлмаса...
Висол либосини кийгазмоқ бўлиб
Бошим узра келса —
Кўнгил кўнмаса!

Яна оғриб турса мужмал юрагим,
Бир кучоқ хазонга кўмилсам-дўнсам.
Яна мендан нима истайсан кўнгил?
Сен берган азобга кўниксам, кўнсам!

Ёмғир ёғиб турса...

* * *

Куз. Гуллари қовжираган боғ.
Куз. Этагин йўқотган бола.
Куз. Саратон чарчатган чорбоғ.
Куз. Бу хазонларга ишора.
Куз. Излари йўқолган туйғу,
Куз. Дераза ортидаги «ох!»
Куз. Бу дилда туғдириб қайғу,
Қувончлардан этади огоҳ!
Куз. Қўллари ёрилган дала.
Куз. Осмоннинг булут тўдаси.
Куз. Бу жуда олис масала...
Куз. Висолнинг хижрон кўрпаси.

* * *

Кўчалар бор, бахтли кўчалар
Изларингни ўпар энтикиб.
Шу кўчача бўлолмадим-а,
Юрагимга ишқ гулин экиб!

Соғинчлар бор, кўкраги хайбат,
Хўрсиниги синдирар кўкни.
Хўрсиниқча бўлолмадим-а,
Юрагимга яшириб чўгин!

Умидлар бор, кунда минг ўлиб,
Тирилади минг бир азобдан.
Хом сут эмган бандангни кечир —
Қутқар мени бундай гуноҳдан!

Кўчалар бор, мен юролмаган...

Бектемир Турнафасов



* * *

Кўнглим
Йўлимдан мушук
Чиққан каби хижилдир

Ҳар кун келар бешафқат
Ҳар тун кўйнида ғафлат

Умрим йўлидан мушук
Чиққан каби бесамар...

... Борар жойим муваққат
Ақлим ожиз, чатоқдир
Номаълум десам ёлғон
Маълум десам хатодир...

... Севганимни эслайман
йўл-йўлакай, умрбод
Бу ишқ мени ўлдирар
Ундан бўлмайман озод

Қанийди ибодатга
Бўлса эди шу ишқим...

Кўнглим
Йўлимдан мушук чиққан каби хижилдир...

ҚИШЛОҚ КЕЧАСИ

Қари итлар хуради
Ўлар қари сукунат
Қари толлар тагида

Миниб сойнинг ёлини
Қиқирлайди оймома
атируглини ҳидлайди
сув сепилган қўчалар

Осмон йўқотиб қўйган
Ўша ўлик сукунат
Ёлғиз қолган ҳўтикнинг
Овозига қўмилар

Шамолнинг нафасини
Қитиқлайди майсалар
Келиннинг шарпасидан
Тун унутар ўзини

Қари итлар хуради.

КЕТИШ ОЛДИДАН

1

...фурсат етармикан бир тўйиб нафас олишга
бир тўйиб йиғлашга,
хўрсинмоққа бир бор...

Фурсат етармикан барисин,
барисин ўртага қўйиб,
ҳал этмоққа ҳисоб-китобни.
Тинимсиз-тинимсиз етиб келаётган
Энг сўнги лаҳзани тўсиб бир нафас
Энг сўнги бор тикилмоққа бутун дунёга

Онангни соғиниб эзилганинг каби
Болангни соғиниб орзиққанинг каби
Тиниқлашган қўнглинг билан юзма-юз
Қолишга етсайди фурсатинг...
барини қайтадан бошлашга
фурсат етармикин...

...бир-бир кириб чиқаман
 бирровга
 энг гўзал кунларимнинг уйларига
 хайрлашмоқ учун
 лекин «хайр» демайман.

Юрагимни эзган баҳорларга
 Кўнглимни кўтарган кузларга
 Яшаганим ҳаққи қиларман таъзим.

Қайси бирини айтай,
 қайси бирини айтай
 кўзларимга олиб чиқаман
 ҳеч қачон
 ҳеч кимга айтмаган хаёлларимни
 улар фақат менинг ўзимники.

Шамоллар юлкилайди хотираларимни.
 Армонларим ҳилпирар
 Авлиё отанинг қабри бошига
 илинган,
 Эскирган, ивиган, сизилиб кетган туғдай.
 «Тап-тап» этар ҳар-ҳар замонда.

Топганим — маънолар эзар шунда ҳам.
 Ҳеч нарса
 Ҳеч қачон барибир бўлмас.
 Ва беҳуда бўлмас.

Қани, қайда менинг манзилим...
 ортимда изза уят ва ўкинч:
 – Менинг кимлигимни ҳеч кимга айтма,
 Менинг менлигимни ҳеч кимга айтма!..

* * *

саломат бормисан,
 мунис синфдош
 омонмисан йиллар изтиробидан
 менинг хотирамда қолган хуркак кўзларингни
 асрай оляпсанми
 қай бир кун ёдимни бузиб юбординг
 беғубор меҳримни соғинтирдинг туйқус

нима эсимга солди сени
англолмадим
кўзларингни кўргандай бўлдим ҳавода
қанчалар истадим
гарчи хохламасдим
қўнғироқ чалинишини
сени синфимизда бир бор кўриш учун
синфдошларимнинг шовкини аро
қўрқиб
кузатишимни соғиндим жуда

* * *

айтиб беролмади бирор лўли киз
йўқолган мақсадим не эди асли
ва яна не кутар мени дунёда
хаётимнинг сўқмоқларида
кимларга йўлиққанамга ишора қилди
гуё айбдорни излади
негадир
бу менга ёқади деб ўйлашди улар
Ҳамма нарсадан хабардорман деса ҳам
Билмадики
Асосий айбдор
Мен эканлигимни
Ва унга қарши чиқиш
фожиа билан тугашини билмади...

ЛОРКА

Нилуфарнинг кулоғига
Балиқ айтиб кетди бир сўз
Жавоб бериб сўроғига

(Дардинг оғир, нилуфаржон)

Энди тинмай қарар йўлин
Неча барно йигитларни
Кутиб ётар бунда ўлим

(Ибодат қил, нилуфаржон)

Қасрдадир мунгли она
Қарғаб ётар нилуфарни
Ўғли учун бағри қонаб

(Охиратнинг манзилида
Ҳамма факир, нилуфаржон)

Қоматига сепиб атр
Сулувлардан рашк қилади
Ишқи шамолдек беқадр

(Хуснинг кўзга санчилади
Нега ахир, нилуфаржон)

Гүзал Бегим



ЭЙ СУЙДИРГУВЧИ

Эй суйдиргувчи
гул баргини юрагимдан олиб ўтган
туйғуларимнинг биллур шаклини
овоз хиёбонида эркалагувчи
саксовул ифорида раксга тушган
сабо сандиғидан озод бўлганча
қушлар кироатин қўкка йўллаган
нигоҳ кенглигига йўл олган эй сўз
тиз чўккан товушлар сенинг қаршингда
ва юрак хақидаги эртақлар

Эй суйдиргувчи
кўзимнинг тим қора муҳаббатини
шаффоф сукунатга чоғиштирган зот
юрагимнинг ўнқир-чўнқирларида
шафақ уммонини барпо этгувчи
олис манзаралар ичидан
олтин жимлик ила олиб ўтгувчи

Эй суйдиргувчи
тун ва тонгнинг оралиғига
қахқаҳа хикматини илиб қўйгувчи
туйғулар қаърига
нодир буюмларни жамлаб қўйгувчим

кўлларимни очик ҳолида
само саройига йўллаётганда
кўз ёш жавҳарини яратган эй зот
табассум шивиридан ўсган сўзларни
мухаббат диёрига муҳрбанд этиб
юрагимнинг мингта томони билан
эй суйдиргувчи, эй суйдиргувчи

* * *

Мен шеър ўқияпман
кўзларимга осилган мунгла
дарё-дарё сўзлар қаршимда
қум кечади алп орзуларим
тун отяпти қорачиғимда

Мен шеър ўқияпман
юрагингиз ичида туриб
тўқияпман тўрт томонимга
овозимда чайқалиб борар
бинафша ранг кунлар қисмати

* * *

Томчи ҳақидаги тасаввурларим
акс этганда тунги япроқда
ёмғир ёғар эди ё ёғмас эди

Кечаги кунимни эслатиб қўлим
намозшомгулларнинг ғамгин ҳидини
мактубларга жойлаётганди

Сувга қиё боккан ёлғизлигимда
гуллар очилмаган эди
очилмаган гулга яқин эдим мен

* * *

Ой тушиб келяпти
юрагимнинг изи ёмғирли шодлик
Сен ва Меннинг оралиғида
туйғуларга қурилган кўприк
шивирлайди
«Мана мен келдим»

Ой тушиб келяпти
бўсағамга ойли қадамлар
овозимда солланиб турар
тун қўрфазин кечаётган соғинч
кўзларимнинг чўққиларида
у ёқдан бу ёққа ўтаётган илпинч
пичирлайди
«Мана мен келдим»

Ой тушиб келяпти
бўсағамда турибди мана
ҳаводаги мовий чизиклар
йўқлик теграсида айланаверар
музга дўнган битта олов сўз
«Мана мен келдим»

* * *

Ниғоҳимни гуллар силаган
мажнунтолга қўшилган исмим
кўз ортимда титрайди ҳаво
юрагимга томчилар
Шабнам

Заъфаронлик кўнгли бузилган
ой ойнаси тушар дилимга
иродамнинг киприкларидан
ер шарига томчилар
Овоз

Анга умидимнинг тўфонларида
сузаётган қоғоз қайиқча
қаламимнинг юрагин тутиб
томиримга томчилар
Қуёш

* * *

Юрагимнинг оқарган сочи
тушиб кетар қўлингдан бир кун
дарахтлар остига тўкилади куз

* * *

Атиргуд исмига исмимни қўшиб
гулнинг иродасин ҳидладим
чайқалди мовийлик.

АЛЛА

Ўғлим Ансорга

Ойнинг япроқлари оралаб
шитирлайди денгиз ранг кунлар
рангларни тебратяпман
алла болам алла

Пешонам чизигида ийманиб
остонамга келди тунли орзулар
окшомни тебратяпман
алла болам алла

Изтироб шаклида бармоқ товуши
силайди юрагин шабнамнинг
тонгни тебратяпман мен
алла болам алла

Юрагим йўргакланган фаслда
кўзларим тиз чўкди офтобга

куёшни тебратяпман
алла болам алла

Зил-замбил умидлар оғриғи
кемтилган қирғоғи дилимнинг
юрakни тебратдим мен
алла болам алла

Дарахт соясини силкитар сабо
тушимда йиғлайди тўлқинлар
денгизни тебратяпман
алла болам алла

Ойнинг ўн бешида кўзим қораси
қўлимда ловуллаган ҳаяжон
ерни тебратяпман мен
алла болам алла

* * *

Мунгли ўйинчоқлар
совға қилдим боламга бугун
ғамгин ой ярқирар қорачиғида

Хаёлларим чайқалган шаффоф бинода
қўлида юлдузлар офтоби билан
ўғлим ўйнаб юрар изтиробларни

Сунъий ҳавзадаги маҳзун балиқча
сузиб ўтар экан кунлар қаъридан
сув остида ёришади тонг

Дарахт шохчасида маъюс олмахон
ёнғоқларин ташиётганда
пиёламга ясмин барглари тушди

Баҳор гул тутади — яшил соябон
ойнинг мавжларини тортқилаб
ўғлим ўйнаб юрар гўзал бир мунгни.

Хусан Карвонли



* * *

Чехранг аламлардан фориф бўлган дам,
Қўзинг ишқ майлида маржон илганда,
Бахтиёр бўламан сенингдек мен ҳам
Қўнглинга, қўнглимга баҳор келганда.

Тунлари шодликдан йиғлай олмаган,
Кунлари кунимга соя солган қиз.
Хали нигоҳлари излаб толмаган
Ўзидай нурли-ю эрканоэ юлдуз.

Умид қўйлагини кияман, аммо
Дазмол қилинмаган ул қўйлак ғижим.
Қизгина, сен уни қилсайдинг дазмол,
Мен сенга термулиб ўтирсайдим жим.

Шунда эркаланиб қоларди дунё,
Гулга айланарди ҳатто чирик хас.
Саккиз тарафингда янграйди наво,
Ошиқ муғаннийлар қилади хавас.

ИЛТИЖО

Илғаб бораётир мени фасллар,
Киргиси келмайди қўйнимга.
Бугун эса Наврўз
Умидворман ҳарқалай ундан.

Бир шеър сўровдим она — Қуёшдан,
Хазонлар олиб кетиб қолибди,
Қорлар сингдириб юборган Ерга,
Сен мени алдама, Наврўз.

Чўмилмоқ истовдим камалакрангга,
Ёмғир ювиб кетди ранглари.
Совуқ қотган тиланчидай қалтироқдаман,
Иситиб қўясан-а, Наврўз.

Сенга хавас қилдим, меҳрлисан-а,
Ҳамма яхши кўради-я сени.
Менгаям бир кириб кетасан-а,
Танийсан-а мениям, Наврўз.

Мен соат тақишни ёмон кўраман,
Биламан, бу учун кечирмайди Вақт.
Шундандир орқада қолаётганим,
Кечирасиз, соатингиз нечи бўлди?

Мен соат сўрашни яхши кўраман,
Гарчи ҳеч қизиғи бўлмаса ҳамки,
Худди бир нарсага шошаётгандай,
Худди кечикаётгандай бахтнинг келиши:
Кечирасиз, соатингиз нечи бўлди?

Барибир бир куни етаман унга,
Ахир унга буюрилган мен-ла учрашмоқ,
Шунда бир-биримизга сингиб кетамиз,
О, билмадим бу қачон, билмадим, қачон?
Кечирасиз, соатингиз нечи бўлди?

* * *

Фақат йиғлаш мумкин сенинг ҳолингга,
Орзулардан чарчаган ғариб.
Фақат йиғлаш мумкин сенинг ҳолингга,
Ўқирмай, ёқангни йиртмайин.
Фақат йиғлаш мумкин сенинг ҳолингга,
Йиғлашни орзу қилган бечора.

ҚИЗҒАЛДОҚ

Қизғалдоққа элангим келди,
Ўлиб қолса бўлади сенсиз.
Самарқандда қизғалдоқлар кўп.

Ху-ув узоқда, Қарши йўлида
Шундоққина тоғ этагида
Қизғалдоқлар ичида бир қиз.

Вақти йўқдир мени эслашга
Маъсум қизғалдоқлар ичида
Қўзларида Ҳайрат суврати.

Қизғалдоққа кўмилгим келди,
Ҳайратингга чўмилгим келди,
Қизғалдоққа айланган гўзал!

Сен қабрсан,
ҳар қупи
ўлимни эслагандай эслайман сени.
Сен тобора чуқурлашиб бораяпсан,
билмайман
қачон кўмилишимни Сенга.

* * *

Намоздигар тўрвасин ёйди
том устидан учди саратон
қушлар қараб қолди Мағрибга.

Пахта гули лабини сўриб
асалари қайтди изига
йўқ кўчага қўнди ҳаяжон.

Укасини ияртиб ўтди
мен соғинган томонга қараб
ўттиз бирга кирган тошотар.

Янтоқ гули димокқа урди
тошиб кетди томримда ҳаёт
хаёлимга сиғмади соғинч.

КУЗАК

Кўзларимда гуллади осмон
сой бўйига чўнқайди ваҳм
эшигини қўширди¹ кундуз.

Ангарларни ўпади шамол
салобати йиқилар жарга
бир керишиб олади дарахт.

Кўз олдимда ечинар дала
сўнг кияди қоп-қора тўнин
бекиниб олади ҳовлимга.

Тоғлар билан искашган булут
қозик қоқар кишлок устига
одам билан ўчакишгандай.

Бекиниб олади ҳовлимга
сўнг кияди қоп-қора тўнин
кўз олдимда ечинар дала.

Бир керишиб олади дарахт
салобати йиқилар жарга
ангарларни ўпади шамол.

Эшигини қўширди кундуз
сой бўйига чўнқайди ваҳм
кўзларимда гуллади осмон.

Балки бу энг сўнги сафардир
бойчечак пардасин тортган тонг
ғамсизлик тўлдирди дилимни.

Қизғалдоқ хаёлим уфқи йўқ
паришон ёришган чехрасиз
сарғайиб ётибди кўкалам.

Илдизсиз шамолнинг кўнгли бўш
сийпалаб ўтади даштларни
хотирим соғинчи соқиндир.

Энасин энтикиб эмгандай
йўргакда ётади юракгул
кун туғиб тун ютган паллалар.

Хотирим соғинчи соқиндир
сийпалаб ўтади даштларни
илдизсиз шамолнинг кўнгли бўш

Сарғайиб ётибди кўкалам
паришон ёришган чехрасиз
қизғалдоқ хаёлим уфқи йўқ.

Ғамсизлик тўлдирди дилимни
бойчечак пардасин тортган тонг
балки бу энг сўнги сафардир.

Ҳасан Карвонли



* * *

Мендан аразлаган шу телефон ҳам,
Саволлар сўрасам сақлайди сукут.
Шунда борлигини билдирар бир ғам
Қолган ҳамма ғамни айлатиб унут.

Хонага сиғмайман — очилар дарча,
Хавоям тўлдирмас дилда камимни.
Тоқатимни қилиб парча-ю парча
Соат санайверар соғинчларимни.

Кўчага чиқаман шошиб, етар, бас,
Ёнимда тўхтайти таниш трамвай.

Мени олиб жўнар чиқармасдан сас,
Хол сўрмай, индамай, худди укамдай.

Узоқ йўл юраман, сўнади шаштим,
Куйдираман яна куйган юракни.
Йўл юрдим, изладим, минг бекат ошдим
Билолмай уйингга яқин бекатни.

Кун бўйи кезаман шаҳарни сарсон,
Ортимда бекатлар, узун-узун из...
То хануз дилимда бир савол армон:
Қаерда яшайсан, юракдаги қиз?

* * *

Дунё киччирайди, юрак каттарди,
Юракда бир дунё бўлди пайдо.
Шаффоф осмонида оппоқ каптардай
Рақс этдинг, дил анга бўлди шайдо.

Чарх уриб рақс этдинг, изларинг ёлқин
Ё сенинг вужудинг нурлиמידир?

Томирда ҳисларим югурик тўлқин,
Айт, севмай бўлурми хурликни де.

Ўйин туш, тўхтама, сен хурсан, хурсан,
Ноёбсан бир марта қўрилган тушдай.
Энг ёруғ хаёлдай қилурсан жилва,
Яшагин бир умр осмондан тушмай...

* * *

Гулга айлан, гулга айлангил,
Баҳорларнинг келсин ҳаваси.
Муҳаббатнинг оташларидай
Куйдирувчи бўлсин нафасинг.

Шаббода оҳ урсин пойингда
Кипригига ёшлар илиниб.
Ҳазин-ҳазин кўшиқларида
Севганлиги турсин билиниб.

Ҳатто кўкда ой-у юлдузнинг
Кўзларида хайрат акс этсин.
Жамолингни бир кўриб кўёш
Нурларида соғинч ракс этсин.

Ўзлигини унутиб хуршид
Термулсин-да қолсин бошингда
Гулга айлан, гулга айлангил,
Мен ҳам гулга айланай шунда.

* * *

Сен ганийсан, суюклигим, мунча кўп
Давлагинга даъво қилган султонлар.
Кулса гул ё йиғласа дур олай деб
Изларингдан излайдилар имконлар.

Қушлар келиб унинг исми не деса,
Дарахтлар ўй ўйлагани-ўйлаган.
Биров хур деб хаёл қилар, сен эса
Тирик шеърсан ҳали ҳеч ким билмаган.

Дийдорингга тўймай қолар фасллар,
Қисштирар бири келса бирини.
Талашади нафасингни насимлар
Билайлик деб бу хушлиғнинг сирини

Анисимсан, кетди алам, кетди ғам,
Нигоҳингдан кипригимнинг синиғи.
Қани эди яна бир бор кўмилсам,
Кўзинг ёши кўлларнинг энг тиниғи,
Йиғлама...

* * *

Юрагимда яшнаган гул,
маъюс гулим, оқ гулим.
Менга кулиб бокмади бахт,
сен бир кулиб бок, гулим.
Хиёнаткор баҳорларни
эсламагил, қўй, гулим,
Менингдек у кунларингни
эртакларга, йўй, гулим.

Яна сенга айтар сўзим,
ҳам тилагим шул, гулим.
Гар севсалар севмаслигинг
гуноҳлигин бил, гулим.
Яна менга... Яна менга
гулдан кафан бич, гулим.
Дунё сендан кечмасидан
сен дунёдан кеч, гулим.

* * *

Бир нигоҳ ташлагил, гулнигоҳ,
Борлиғим айлагил чилпарчин.
Ки, босган ҳар битта изингга
Дилимдан тўкилсин дилпарча.

Бир нигоҳ ташлагил, гулнигоҳ
Унутаё аламлар, ғамларни.
Кўзларим бағрига яширсин
Мен қадрин билмаган дамларни

Бир нигоҳ ташлагил, гулнигоҳ,
Шууримда бир хайкал ўрнатай.
Севилмоқ илмини ўргат сен,
Мен сенга севишни ўргатай.

* * *

Мана, яна гуллади осмон,
Булут септи заминга атир.
Унут бўлди юракдан армон,
О, яшагим келаётир.

Уфқларга ташладим назар:
Шамолларда мавжланар майса.
Рух ҳаётга ташналик сезар
Олам сенга қараб жилмайса.

Гўзал эди, гўзал яна ҳам,
Хилпирайди ҳарир либоси.
Чечакниям кўрсатар кўркам
Қизғалдоқдай қизлар ибоси.

Бўй кўрсатди армон янгидан,
Кўз олдимда севгининг расми.
Апрелнинг оппоқ тонгида
Яшаш сизга қийин эмасми?..

* * *

Дарахтлар ям-яшил, майсалар яшил,
Орзулар оқ рангда, осмон зангори.
Бўй етган қизлардай шўх қикирлашиб
Хусн талашади апрел тонглари.

Булоқдан чорбоққа шошар шалола
Бир йиллик соғинчдай ўзни унутиб.
Акаси сайрга опчикқан бола –
Шаббодани сира бўлмайди тутиб.

Гўё ғам-аламни кўрмаган дунё,
Ҳечам тугамайди қушларнинг назми.
Дунёнинг бир чети – шу чорбоғ аро,
Тобора авжланар баҳорнинг базми.

Бир уйча. Кўзи тўрт бўлган дераза.
Дераза ортида тувакда бир гул.
Биров ундан ҳолинг не деб сўрамас,
Тўкилиб боради юраги чил-чил...

* * *

Ташқарида шовқин, қаҳқаҳа хунук,
Қадам дупурига тўладир йўлак.
Дунёнинг ғамбода чехраси сўник
Сенинг мўъжазгина хонангдан бўлак.

Шеърят ҳақида сўзлайман узоқ,
Айтаман кейин шеър ёдлайсан кимдан.
Қўқсимда бир исён, ғалаён, бироқ
Ҳамма гапни айтиб бўлгандай жимман.

Ташқарида шовқин, дунё билмайди
Бу ажибу нажиб холнинг отини.
Нигоҳинг китобда, бузгим келмайди
Икки гўзал олам мулоқотини.



Аозам Обидов

БОКИРА ТУШЛАР

Ҳар кеч кипригимга илашар юлдуз,
Қошларим ортидан ой чиқар дилхун,
Қалбим дарбозасин чертибон, маъюс
Ишқли кароғимга меҳмон бўлар тун.

Ҳар кеч, кечолмасман, кўксимни эзиб,
Самога тортқилар покиза қушлар,
Сиз йўқсиз, ўзимиз учолмасмиз, деб
Тўлғониб чиқади бокира тушлар.

ОХ, ГУЛ ДИЛИМ

Кўзларимга етади кучим,
Қўлларимга боғлайман кишан,
Муҳаббатни юраман ичиб,
Ҳузур қилиб ейман ишқтикан.

Охли, ёқут ҳаётимизга
Паноҳ сўраб ҳумо келадур!
Биз учгаймиз, қанотимизга
Яқин-яқин само келадур!

Вужуд билан ишим қолмади,
Ох, гул дилим руҳимга пойтахт!
Кўз илғамас ишқий кулбада
Кўз ёради оғироёқ Бахт!

КЕЧИРИМ

Мен — асли ҳеч нима билмаган банда,
Ақлимнинг сўнггида бор сўроқ белги.
Ҳаёт — у дунёга берилган фойда,
Пешонангни ёриб яшамок — кулги...

Дунё, оқшомингда бўлмасин хатар,
Қўрқиб тўлғонмасин сарсона тушлар.
Тонгнинг кулогидан тортиб уйғотар
Деразам олдида шукурли кушлар.

Мен кетсам ярим бир кечда уйғониб,
Серғалва умримнинг гавғоси жимжит.
Қарадим, ташвишлар кетмишдир ёниб,
Сўрадим — кўнглимга тўкилди умид!

Кечир, балки умрим йўлаклари тим,
Юракка бир меҳр эканим сийрак.
Ох, минг бор ўзингга юкиниб келдим,
Фақат Сен истаган жон бўлмадим, ҳақ!

Мен — асли ҳеч нима билмаган банда,
Ақлимнинг сўнггида бор сўроқ белги.
Ҳаёт — у дунёга берилган фойда,
Пешонангни ёриб яшамок — кулги...

ЭРТАК

Нимага ўтинни баҳона қилиб,
Қизингни ёлғизлаб қўйдинг, отажон?
Чирок кўринмади, коронғу йўли,
Ўрмон кучоғида қолди чалажон...

Сеҳргар моможон, қаёқда эдинг?
Зумрадга келмасин энди хавасинг.
Отажон, отажон, келтиргин ўтин,
Совкотиб кетди-ку унинг боласи...

САРАТОН

Бир киприк қоққулик эмиш орамиз,
Дил — интиқ, Гул — хазон, ишқимиз — омон!
Баҳор келмаса ҳам яшайверамиз...
Қачон тувилгайдир эркам, саратон?

Тун келар, гўшакка чўзилади кўл,
Совук бир сўз билан кетиб қолар жон.
Тонгнинг қовоғидан ёғилмасин дўл,
Эшик қоқмоқдадир ахир саратон.
Ташвишга кўмилган умрим бебаҳо,
Ойнинг ардоғида яқинлашар он.
Қўркгум...
Сиз келсангиз, ишқ кетар наҳот,
Саратон, саратон, саратон?!

ТОМЧИ

Осмон, қароғингдан юмалаб кетдим,
Маҳкам оёғингни турибман қучиб.
Ох, дардли заминга қулаб тушмай жим,
Қанот бер, азизим, ақал бир учим.

Осмон, озоримни кечир, нетайин,
Юрагим қоляпти ахир очилиб.
Бағринга сиғмасам, майли, кетайин,
Мунаввар севгингга эркин осилиб.
Осмон, қароғингдан юмалаб кетдим!

ОҚШОМ СЕНГА КЕЛГУМ

Оқшом сенга келгум тонг бўлиб,
Тор кўнгилингнинг ширин азоби.
Йўқ, кўз ёшмас оққан қон бўлиб,
Қароқдаги ишқ инқилоби!

Севишни-ку билмайман ҳали,
Битган эмас қалб парчалари.
Руҳи жоним забт этмиш вале
Ишқнинг мағрур аскарчалари!
Оқшом сенга келгум тонг бўлиб!

Ғароғат Ҳудойкулова



СУРАТ

Хотирамда яшар бир сурат,
Йиртилмасу
Бели букилар.
Боққан сайин
Эрта куздаги
Япроқ каби
Сочим тўкилар.
Боққан сайин
Катталашгандай
Юрагимнинг тубида тугун.
Нафрат билан ёқмоқчи бўлсам,
Жон кирибди суратга бугун.

* * *

Дунёни бахт куйи қучгани сайин,
Рухинг севинчлардан ўсмоғи тайин,
Тонгги насимлардай пичирлаб майин,
Сенга сирларини айтдими, баҳор?

Яшил либосларин кирларга ташлаб,
Ортидан ирмоқлар сойларни бошлаб,
Ғунчалар шабнамга тутганида лаб,
Сенга сирларини айтдими, баҳор?

Қалдирғочлар саси кирдими тушга?
Юрак чоғландими бир бор учишга?
Ёруғ чехра билан роз айтиб қишга
Сенга сирларини айтдими, бахор?

Айланайин нурлар балққан кўзингда
Бир катта эл бўлай униб ўзингдан,
Бугун девонавор юриб изингдан,
Сенга сирларини айтдими, бахор?

СЎНГГИ ТАЪКИД

Менга таниш — бу ситам, бу дард,
Менга таниш — бу шамолу гард,
Оқ тераклар шовуллаган пайт,
Ой нурида туман яширин.

Қароғимга чўккан унларим,
Осмондан гул ёққан кунларим,
Ибодатда ўтган тунларим,
Ҳар сукутда иймон яширин.

Қизил гулни ташлаб бўларми?
Ташлаб бахтни бошлаб бўларми?
Ортиқ бундай яшаб бўларми?
Ишончларда гумон яширин.

Сув бўйида хаёл сурмаган,
Қиз бормикан учиб юрмаган?
Ўттиз йилким ҳеч ким кўрмаган
Кўз ёшларда уммон яширин.

Ўн беш кунда ой тўлганидай,
Ҳижрондан сўнг бахт келганидай,
Ҳар дилда бир дард бўлганидай,
Ҳар эгатда хирмон яширин.

Эй, сен ғофил, қасд этма мени,
Шамол бўлиб хас этма мени,
Тупроқсан деб камситма мени
Ҳар заррамда осмон яширин.

ҚИШЛОҚ

Дарахтзордан чикиб келди ой,
Тизгинларин узиб хаёлнинг.
Мен бу кеча тушингга кириб,
Қанотида учдим оқ ёлнинг.

Тонг кўзлардан олди пардани,
Пастда қўшиқ айтарди дарё,
Не учундир сенинг бағрингда,
Бахт рангида кўринди Дунё.

* * *

Менга ишон дил титроқларим
Сув юзида қалкиган япроқ.
Туйғуларим, хатто дардларим,
Қалбингдай соф, эй, она тупроқ.
Шеър айтаман, бу тонг хайкириб,
Очиқ турсин дераза, эшик.
Юрагимга юрагинг қўйиб
Туйғуларим жарангин эшит.
Сени севдим, хидлаб тўймадим,
Баъзан соғинч дилга дард солди.
Борлигинга минг шукур Ватан,
Меҳринг билан қалбим юксалди.



Мухаббат Тўхтаева

АЛЛА

Вужудимда меҳр йўли –
Йўлакчалар очилди.
Тонг – доянинг этагида
Йўргакчалар очилди.
Алла болам, алла-ё,
Кел, меҳримдан тот, болам.
Мен сени ухлатайин,
Сен мени уйғот, болам.

Бағримга кел, қулуним,
Болу парим бўлақол.
Ҳеч нарсага алишмас
Олтин, зарим бўлақол.
Алла болам, алла-ё,
Андухларим от, болам.
Мен сени ухлатайин,
Сен мени уйғот, болам.

Дунё қўйни-қўнжи тўла,
Ривоят, матал бола.
Сен ётасан қўлимда
Аллага махтал бола.
Алла болам, алла-ё,
Қулоқ солиб ёт, болам.
Мен сени ухлатайин,
Сен мени уйғот, болам.

Худо меҳрибонинг бўлсин,
Фаришталар сақласин,
Ҳаёт ота бўлиб севиб
Она бўлиб алқасин.
Алла болам, алла-ё,
Қўй, солмагин дод, болам.
Мен сени ухлатайин,
Сен мени уйғот, болам.

Ҳали юмуқ сезгиларинг,
Ҳали ҳаёт янгидир.
Умр – оламу одамнинг
Муросасиз жангидир.
Алла болам, алла-ё,
Дунё шу, хайхот болам.
Мен сени ухлатайин,
Сен мени уйғот, болам.

Яхшиликка қараб яша,
Қўзларинг яшноқ бўлгай.
Тин олиб ётган жажжи
Юракчанг янғроқ бўлгай.
Алла болам, алла-ё,
Шод яшагин, шод болам.
Мен сени ухлатайин,
Сен мени уйғот, болам.

Қувват келиб илохийдан
Хисларимни қўзғотди.
Ширу шакар гўдагимни
Алла айтиб уйғотдим.
Алла болам, алла-ё,
Асалу новвот, болам.
Алла билан сен аввало
Ўзингни уйғот, болам.
Қалбингни уйғот, болам.

ҚИЗИМГА

Қизалоғим, кўзмунчоғим,
Кўзи сузук қўғирчоғим.
Ширин-ширин қилиқларинг
Овунчоғим, овунчоғим.

Айланайин бўйларингдан,
Кел, ушлайин қўлларингдан.
Супурайлик тиконларни
Йўлларингдан, йўлларингдан.

Омон бўлгин, армон бўлма,
Шодон юргин, хазон бўлма.
Қулиб боққин дунёларга,
Ёмон бўлма, ёмон бўлма.
Қизалоғим, кўзмунчоғим...

СОҒИНЧ

Она, энди бундан буёғи соғинч,
Бундан буёқ умр йўл менга ҳамдам.
Интиқликнинг оташ хароратидан
Алвон кўйлак тикиб қўявер хар дам.

Юм-юм йиғлай кириб бораман сенга,
Бағринг салқинлайди тўккан ёшимга.
Негадир Онажон, ўтиргим келар
Сенинг билан бирга супра бошида.

Зуваладай узиб ясагим келди,
Жонимни — танчадай совук дийдани.
Масофадай чопиб, шамолдай елиб
Ечганим йўл бўлди, соғинч кийганим.

Дондай ташиб кетгим келади гоҳо,
Менга алла айтар хаёлларингни.
Хавасим келади хар куни сени
Кўриб юрган қишлоқ аёлларига.

Ховур кўтарилар халоватимдан,
Кентни ёдлай бошлар ҳорғин йўлақлар.
Онажон, сабрнинг саловотидан
Тикиб қўйгин менга зангор кўйлақлар.
Она, энди бундан буёғи соғинч...